



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли хиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдусагатов Иноят — Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Иноят Нозир Саидазизовна — Шайхонтохур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Кенжаева Шакар Махаматовна — Иштихон туманидаги «Кўнғирот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

Холбаева Марҳамат Ниматовна — Олмалик шаҳридаги Аҳмад Яссавий номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

Юлдашева Тожибар Ўқтамовна — Хўжабод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

(Давоми 2-бетда.)

Электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш учун нафақат турли ижтимоий масалаларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокамасига олиб чиқиш, балки маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қарорлари бажарилиши устидан қатъий назорат олиб бориш ҳам талаб этилади.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Ҳар бир ишнинг амалий натижаси бўлиши керак

Дейишмоқда партиянинг Андижон вилоятидаги фаоллари

Кейинги пайтларда Андижон вилояти барқарор тараққий этмоқда. Иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этиш борасида улкан ишлар қилинмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз ҳаёти фаровонлигига хизмат қилапти.



Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.

Хўш, ана шундай самарали ишларни амалга оширишга партиядошларимиз, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз қандай ҳисса қўшмоқда? Исло-

хотлар изчиллигини таъминлашда ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари ташаббускорлик кўрсатаётганими? Худудий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида партия таш-

килотлари қандай таклиф, ташаббус ҳамда позицияни илгари сурмоқда?

Андижон вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгашларидаги де-

путатлик гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари қатнашган давра суҳбатига шу масалалар ҳусусида фикр алмашилди.

(Давоми 3-бетда.)

«Шарқ тароналари» фестивалида

нафақат Шарқ, балки дунё тароналари янграйди



Саноқли кунлардан сўнг, аниқроғи август ойида қадим ва навқирон Самарқандда бу нуфўзли халқаро санъат байрами тўққизинчи бор ўтказилади. Шу кунларда фестивалга қизгин тайёргарлик кўриломоқда.

Икки йил олдин катта тантана билан ўтган VIII халқаро мусиқа фестивалининг унинг иштирокчилари ҳамон ҳаяжон билан эслайди. Биз уларнинг айримлари билан интернет орқали суҳбатлашдик.

⇒ 4

Тадбир

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий кўрик-танлов республика ички ишлар идоралари ва таълим муассасаларида, Қоровул қўшинларининг ҳарбий қисмларида ҳам ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

Ватанни улуғлаб...

Яқинда Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида ушбу танловнинг вазирлик миқёсидаги республика якуний босқичи бўлиб ўтди. ИИБ Маданият саройи Ашула ва рақс ансамбли хонандаси Фар-

ход Қамбаров кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади.

Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

«Масалани ўргандим, сессияга киритдим

бўлди, вазифамни бажардим», қабилида йўл тутсак, бошлаган ташаббусларимиз чала қолиб кетаверади»

Бухоро вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 27 минг нафарга яқин аъзоси бор. Улар 728 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Партия аъзоларининг 10 мингдан зиёди аёллар, 8 минг нафардан ортиғи 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ҳозирги кунда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 19 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 104 нафар ЎзХДП вакили бўлган депутат фаолият юритмоқда.

⇒ 3

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг!

Аҳолининг бандлик даражасини
ошириш орқали

ижтимоий ислохотлар
самарадорлигига
эришиш мумкин



www.uzbekistonovozi.uz

Қадрият

Нукусдаги мазкур музейда қорақалпоқ халқи тарихи, ота-боболаримизнинг турмуш тарзидан маълумот берувчи 90000 дан ортиқ экспонат бор. Улардан атиги уч фоизига кўргазма залига қўйилган, қолганлари эса музей фондида сақланмоқда.

Қорақалпоқ давлат санъат музейи қўшимча янги, замонавий биноларга эга бўлади

Шу боис музей ҳудудида кенг қўламли қурилиш ишлари бошланди. Қурилиш ишларига Давлат инвестиция дастури бўйича катта маблағ ажратилиши белгиланган. Қурилиш ишлари 2016 йилнинг охирида ниҳоясига етказилади.

Ҳозирги кунда бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётган. Йил охиригача 10 млрд. сўмлик қурилиш ишларини бажариш режалаштирилган.

Множатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

2013 йил — Обод турмуш йили

«Бунёдкор» ҳар жиҳатдан фойдали

Самарқанддаги олий ўқув юртлари талабалари ёзги таътилни самарали ўтказиш мақсадида «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат гуруҳи ташкил этишган эди. Айни кунларда уларнинг 100 нафаридан зиёди шаҳарнинг бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда.

— Биргина Самарқанд давлат университетидаги 400 нафар талабаси ушбу гуруҳларга жалб этилган, — дейди СамДУ талабаси Нейматулла Орипов. — Айни кунларда курсдошларим билан биргаликда Самарқанд тумани ҳудудида барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги замонавий тураржой бинолари қурилишида иштирок этаёلمиз. Ҳар ўн кунликда иш ҳақи бериб борилаёпти. Биз юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

— Талабаларимиз «Бунёдкор» меҳнат гуруҳларига ўз хоҳишлари билан аъзо

бўлишган, — дейди СамДУ доценти Эшим Мардонов. — Улар турли маданий-маърифий тадбирлар орқали ҳам вақтларини мазмунли ўтказишяпти, ҳам моддий манфаатдорликка эришяптилар.

Жорий йилдан бошлаб «Бунёдкор» ёшлар гуруҳида қатнашган талабалар олий ўқув юртларида шартнома асосида тахсил олаётган бўлишса, ойлик маошлари тўғридан-тўғри, талаба тахсил олаётган олий ўқув юртига йўналтирилади.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН
БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА«Фидокорона хизматлари учун»
ордени билан**Абдуваҳидова Хатирот Сатволдиевна** — Норин туманидаги «Тегирмонбози» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти**Бердибаева Замира Жумамуратовна** — Нукус туманидаги «Саманбай» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси
Жанкуватова Раъно Нармуратовна — Ғузор туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти**Садикова Матлуба Камилловна** — Қўқон шаҳридаги «Қаймоқли гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти**Саидмуротова Ўғултой** — Сарийосиё туманидаги «Бўйрағўш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН**Аслонова Гулчехрагон Исматовна** — Хатирчи туманидаги «Жалоир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Навоий вилояти**Жўраева Бахмал Искановна** — Бахмал туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти**Рахматова Адалат** — Сирдарё туманидаги «Олмасор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти**Рустамова Гуландом** — Ҳазорасп туманидаги «Бешта» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти**Хайдарова Назира Мухидовна** — Пешку туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**Давлатов Балтабой** — Гурлан туманидаги «Сахтиён» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти**Ибрайимова Гулчехрагон** — Жалолқудуқ туманидаги «Ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти**Казакова Азиза Тургуновна** — Қўштепа туманидаги «Ғиштон» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия

(Давоми. Боши 1-бетда.)

масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

Каримова Райхон Ҳақбердиевна — Муборак туманидаги «Курувчилар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти**Каримова Шахриниса Акрамовна** — Ғаллаорол туманидаги «Булоқбози» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти**Маматова Уразгул Эрматкуловна** — Бобўт туманидаги «Қарапчи» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти**Муминова Якутхон Шукриллаевна** — Зангиота туманидаги «Икбол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти**Оманова Раҳимахон** — Уччи туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти**Отепбергенова Оразгул Тилепбаевна** — Кегейли туманидаги «Жузим бағ» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Паланова Мархабо Умирзоқовна** — Навоий шаҳридаги «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Навоий вилояти**Сафарова Лутфия Шаниязовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси**Сирожева Гулшад Исакуловна** — Жомбой туманидаги «Эски Жомбой» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Самарқанд вилояти**Стенушкина Антонина Николаевна** — Миробод туманидаги «Олмасор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри**Эсанова Рўзибиби Рахмоновна** — Вобкент туманидаги «Пахтадор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти«ШУҲРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН**Абдуганиева Раҳима** — Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри**Аллабергенова Урингул Тухтабаевна** — Тўрткўл туманидаги «Шўраҳон» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Байниязова Зибора Муратбаевна** — Нукус шаҳридаги «Тунғиш қонис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Бекниязова Бустон Баратовна** — Қарши туманидаги «Равот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти**Бойматова Тобиби Тоғоевна** — Денов туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти**Гаппаров Уролбой Каримович** — Булунғур туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти**Жуманова Арафат Хатамовна** — Учқудуқ туманидаги «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти**Иззатуллаева Мавжуда Рахматовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Каттақўрғон шаҳар бўлими бош мутахассиси, Самарқанд вилояти**Исмаилов Адибахон Косимовна** — Избоскан туманидаги Т.Мамажонов номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти**Ишмухамедова Муаттар Юлдашевна** — Учтепа туманидаги Алихон-тўра Соғуний номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри**Каюмов Камил Адилевич** — Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри**Комилова Саломат Азизовна** — Қорақўл туманидаги «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти**Куватова Саломат** — Арнасай туманидаги «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти**Маллаева Минурахон Араббевна** — Олтинқўл туманидаги «Миробод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти**Маматжонимов Мавлюда Ҳакимовна** — Гулистон туманидаги «Дехқонобод» шаҳарча фуқаролар йиғини масъул котиби, Сирдарё вилояти**Мансуров Собит Мамаджонвич** — Наманган шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти**Меилиева Раъно Абдурашуловна** — Ангор туманидаги «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилоятиЎзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2013 йил 24 июль

И.КАРИМОВ

Ютуқ ва камчиликлар
таҳлил қилинди

➤ Наманган вилояти фаоллари йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юнвонлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Б.Юсуповнинг қайд этишича, ўтган ярим йилда вилоят иқтисодийнинг барча соҳасида макроекономика барқарорлиги таъминланган ва ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 11,3 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,3, қишлоқ ҳўжалиги 6,6, қурилиш ишлари 9,7, чакана савдо айланмаси 19,7 ва пуллик хизматлар ҳажми 17,1 фоиз ўсган.

2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2031 лойиҳа амалга оширилиб, 53 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция ўзлаштирилди. Бандлик дастурига мувофиқ 38,7 минг янги иш ўрни яратилди.

Таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган йиғилишда фаоллар эътибори асосан ҳисобот даврида йўл қўйилган бир қатор камчиликларга қаратилди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Наманган шаҳридаги «Наманганмаш», «Карбонам», Норин туманидаги «Норин тола», Поп туманидаги «Поп Фен» корхоналарида ўтган йилга

нисбатан камайишига йўл қўйилган. Ярим йил давомида бир неча туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилмаган. Мингбулоқ ва Учқўрғон туманларида ханузгача минтақа тасарруфидида экспорт қилувчи корхоналар мавжуд эмас, ўтган 6 ойда ҳар икки туманда маҳсулот экспорти баҳарилмаган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури асосида янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини янгилаш ҳисобига яратилган иш ўринлари миқдори Тўрақўрғонда 3,4, Мингбулоқда 3,5, Учқўрғонда 4,2 фоиз паст кўрсаткичларни ташкил этган.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.«Маҳалла — аҳолини
манзилли ижтимоий
қўллаб-қувватлаш маркази»

➤ Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манзилли муҳофаза қилиш, бандлик дастурини амалга оширишда маҳалланинг ўрни тобора ошиб бораётган. Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишохотлар олиб борилаётгани, унинг қонуний асослари тобора мустаҳкамланаётгани ҳаётимизда ўз самараларини бераётган.

Маҳалла билан
ҳамкорликпартияимизнинг дастурий
мақсадларини рўйбга
чиқаришга хизмат қилмоқда

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Жиззах вилоят кенгаши ҳамкорликда «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбатида бу масалалар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари Зиёвуддин Мансуров, Саттор Раҳматов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунларнинг мазмун-моҳияти, уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди. Қонунларда қўзда тутилган жамоатчилик назорати, маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ янги меъёрлар юзасидан берилган саволларга атрафлича жавоблар қайтарилди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти таҳлил этилди. Электрон вакилларидан бўлаётган мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этишда маҳалла институтини билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Айтиш керакки, йил бошидан бери партия маҳаллий кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига 500 га яқин мурожаат бўлган. Уларнинг асосий қисми тегишли идоралар орқали ижобий ҳал этилган. Мурожаатлар билан ишлаш ва уларни ҳал этишда Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Зафаробод, Мирзачўл, Фориш, Янгибод туман партия кенгашларида муайян тажриба тўпланган.

Мисол учун, яқинда Ғаллаорол туманидаги «Маданият» маҳал-

ласида истиқомат қилувчи фуқаро Матлуба Тугалова туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига моддий аҳолини ўнлаш масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Партия фаоллари мазкур масалани маҳалла фаоллари билан атрафлича ўрганиб чиқди ва ҳимойлар жалб этилган ҳолда фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, М.Тугаловага уйда меҳнат билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратилган кўмаклашилди.

Давра суҳбатида бу йўналишдаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги, оилавий тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланиш учун яратилган имтиёзлар, аҳоли, айниқса, қасб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, пенсия ва нафақа таъинлаш тартиби, умуман, электротар маффаатларига алоқадор қўллаб масалалар бўйича мутахассислар иштирокида тарғибот-тушунтириш тадбирларини мунтазам ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Партияимизнинг «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш» маркази» лойиҳасини амалга оширишда тижорат банкларини ҳам фаол ҳамкорлик қилаётганини айтиб ўтиш ўринлидир. Жиззах шаҳрида ўтган мазкур тадбир доирасида ҳам маҳаллаларда истиқомат қилувчи 6 нафар ёш йигит-қизга тижорат банкларини томонидан имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи шартнома имзоланиб қўйилди.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этиб, партиянинг маҳалла билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, бу борадаги устувор вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Бугунги ва эртанги
қуниимизнинг

ҳал қилувчи кучи

➤ Дарҳақиқат, ёшлар мамлакатнинг бугунги куни ва эртаси қандай бўлишини ҳал қиладиган кучдир. Барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва марраларни янада мустаҳкамлаш, аввало, уларнинг дунёқароши, сиёсий ва ижтимоий фаоллигига боғлиқ.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими ташкил этган семинар-тренингда ушбу фикрларга эътибор қаратилиб, ёшларнинг, сиёсий салоҳиятини ошириш масалалари муҳокама этилди. Унда ёшлар қаноти шахар ва туман бўлимлари етакчилари, фаоллари, ҳамкор ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

— Партияимиз сафини ёш, интилувчан ва шижоатли кадрлар билан тўлдириш асосий вазифаларимиздан, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси Ойтула Абдураимова. — Айтиш мумкинки вилоятдаги 19 мингдан зиёд партиядошимизнинг 30 фоиздан кўпрогини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг сиёсий ҳуқуқий билим ва салоҳиятини ошириш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бугунги тадбирларни олис қишлоқларда ҳам ташкил этишни режалаштирганимиз. Бунинг учун иқти-

дорли, фаол ёшлардан иборат тарғиботчилар гуруҳини шакллантириш. Улар партияимиз ёғларини ва Дастурида белгиланган вазифаларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш билан ҳам шуғулланади.

Қанот ёшлар билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ўрганиш, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, уларни ижобий ҳал этиш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш бўйича қўллаб-қувватлаш ҳаётда татбиқ этиб келяпти.

Семинарда қанот фаолиятини кучайтириш, фаоллигини ошириш, тадбирларни мақсадли ва самарали ўтказиш, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, ёш кадрлар захирасини шакллантириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдулҳай ХУДОЁЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
Иқлим ўзгаришига
қарши кураш самаралари

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида мамлакатимиз томонидан 1993 йилда ратификация қилинган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси ва Киото протоколи талабларининг Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида бажорилишини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил ишлари якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, вилоят ҳокимликлари, саноат корхоналари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси ва Киото протоколи талабларини бажаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда, айниқса, кимё, энергетика, нефть-

газ тармоғи корхоналарини техник-технологик янгилаш, экологик соф механизмларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида ҳам тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, «Фарғонаазот», «Максам-Чирчик», «Ўзбекхиммаш» корхоналарида

биогаз мосламалари ишлаб чиқарилиб, амалиётда самарали фойдаланилмоқда. Худудларда Глобал экологик жамғарманинг кичик грантлар дастури доирасида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш, ўрмонларни тиклаш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, иқлим ўзгариши ҳолатига мослашувчи бу борадаги муаммоларни бошқаришга оид лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётган.

Тадбирда мазкур йўналишдаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, аҳолининг экологик билим ва қўнималарини мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикрлашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида

Хар бир ишнинг амалий натижаси

бўлиши керак дейишмоқда партиянинг Андижон вилоятидаги фаоллари

ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов амалий натижаларга қаратилган ташаббусларни кўпайтириш, ғояларимиз тарғиботи билан маҳаллаларга, партия электорати орасига чуқурроқ кириб бориш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг қизиқишлари, манфаатларини ўрганиш ҳамда улар ҳаёти даражасини кўтаришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш масалалари ҳақида сўз юритди. Айниқса, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масалалари юзасидан маҳаллий вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтиришга қаратилган ташаббуслар билан чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Давра суҳбатиде партия ташкилотлари етакчилари ҳамда фаоллари олдинда турган муҳим вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Мўйдинжон ДАДАЖОНОВ,
ЎЗХДП Асака туман кенгаши раиси:

— Туманимизда партияимизнинг 47 та бошлангич ташкилоти 2906 нафар аъзони бирлаштирган. Партиядошларимиз сафи йилдан-йилга ортиб бораёпти.

Бошлангич ташкилотлар партиянинг таянчи бўлгани сабабли биз улар фаолиятини янада кучайтиришга эътибор қаратишимиз керак. Шунинг учун айнан бошлангич партия ташкилотлари етакчилари учун махсус ўқувлар ташкил этиш тақлифини билдираман. Ўқув уларнинг нафақат сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, балки етакчилик қобилиятини ҳам шакллантиришга қаратилиши керак.

Тавваккал ТОПВОЛДИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:

— Шаҳрихон тумани Найнаво қишлоғида сайловчилар билан бўлган учрашувда фуқаролар электр энергияси таъминотидаги муаммони кўтаришди. Бу масалани «Андижон ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти мутахассислари билан биргаликда ўрганиб чиқдик. Натижада қишлоқда қўшимча тарансформатор ўрнатилиб, масала ижобий ҳал этилди. Қишлоқ аҳолиси бундан жуда миннатдор бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Жойларда айрим шу каби муаммолар учрайдики, уларни депутатларимиз ташаббуси, ижро ҳокимияти тузилмалари эътиборини қаратиш билан ҳал этиш мумкин. Агар ҳар бир депутат фаолиятида амалий ишларга алоҳида эътибор қаратса, бир йил давомида қанчадан-қанча муаммолар ҳал этилади.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ўзаро фикр алмашиб туришини мунтазам йўлга қўйиш керак, деб ҳисоблайман. Шунда, ахборот алмашув жараёни кучаяди, маҳаллий Кенгашлар муҳокамасига олиб чиқилиши зарур бўлган масалалар юзасидан маслаҳатлашиб оламиз. Бу табиий равишда депутатлар ташаббускорлигини кучайтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Қумрихон ХЎЖАЕВА,
ЎЗХДП Избоскан туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Партиянинг дастурий вазифалари самарали адо этилишида ҳақи-

қатан ҳам депутатлар иштироки муҳим ўрин тутади. Депутатларимиз турли ижтимоий масалаларни ўрганиб, таҳлил этиб, халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссияларида кўриб чиқиш, сессия муҳокамасига киритишга эришмоқда. Аммо бу фаолиятимиз қониқарли бўлаёпти, дегани эмас. Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш орқали юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий масалаларни эртaroқ аниқлаш тизимини йўлга қўйишимиз керак. Шунда, уларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар киритиш учун бизда етарли имконият юзага келади.

Шу ўринда айтиш керакки, Андижон вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарида жорий йилнинг олти ойи давомида 230 та мурожаат бўлган. Уларнинг 56 фоизи ишга жойлаштириш, иш ҳақи ва пенсияларни вақтида олиш, моддий ёрдам масалаларига, 22 фоизи уй-жой-коммунал хизмат кўрс-

тиш, ижтимоий соҳаларга, 13 фоизи кредит масалаларига тегишли бўлган. Мурожаатларнинг қарийб 70 фоизи тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилиб, қолганлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда.

Давра суҳбатиде ЎЗХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг фаолиятини кучайтириш бўйича кўплаб тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Партия электорати манфаати билан боғлиқ ижтимоий вазифаларни ҳал қилишда партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг амалий иштирокини фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди ҳамда бу борада тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хориж



Уй-жойни хусусийлаштириш

қонун доирасида амалга оширилади

Туркменистон фуқаролари ўзлари яшаб турган уй-жойни (агар 10 йилдан ортиқ шу уйда яшаган бўлса) бепул хусусийлаштиришига расмий рухсат берилди. Янги қабул қилинган қонун бўйича улар фақат ҳужжатларни расмийлаштиришга кетадиган харажатлар учун пул тўлайди, давлат божи ундирилмайди.

Дарвоқе, «Новости» АА хабарига қараганда, турли тўловлар эвазига ва кимолди савдосида сотиб олиб хусусийлаштириш ҳам йўлга қўйилган, аммо бу борада ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

Маълумки, дейилади «EurasiaNet» портали тарқатган хабарда, республиканинг аввалги президенти даврида мамлакатда уй-жойни хусусийлаштириш тақиқланган эди. Ҳозирги президент Гурбангули Бердимухамедов эса тегишли ташкилотлар зиммасига 2011 йилда уй-жойларни хусусий-



лаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва кўчмас мулк биржасини ташкил этиш мажбуриятини юклади, дея хабар беради «Regnum» АА.

Ҳавони ўтказди

лекин товушни...

Корея Республикасининг Мокпхо шаҳридаги давлат денгиз университети олими Сан Хун Ким ҳамда Тэжон шаҳридаги Корея механизмлар ва материаллар институти мутахассиси Сон Хюн Ли ҳамкорлигида акустик метаматериал ихтиро қилинди.



«Новости» АА хабар беришича, унинг афзаллиги шун-

даки, ушбу ойна ҳаво ўтказди, аммо товуш ўтказмайди.

Товуш ўтказмас ойна 2 та ялтироқ пластик панелдан иборат бўлиб, унда товушни ютиб қолувчи мосламалар жойлаштирилган.

Олимлар томонидан яратилган мазкур янги ойна 700-2200 герцага тенг частотали товушни 100-3162 мартага (20-35 децибел) камайтиради.

Реклама

Тендерная комиссия
ГАЗК «Ўзбекистон
темир йўллари»
объявляет тендер

№5 на 2013 год на оказания
услуг по модернизации
эксплуатируемой
автоматизированной системы
оперативного управления
перевозками компании до уровня
АСОУП-2.



За тендерной и технической документацией обращаться по адресу:

г. Ташкент, ул. Т.Шевченко 7,
ГАЗК «Ўзбекистон темир
йўллари», Управление
«Темирйўл-информатизация»,
комната 410.
Тел. 237-94-72, 238-84-43,
237-96-33.

Электронная почта —

israilov55@mail.ru



Заявки на участие в тендере
принимаются в течении 30 дней со
дня опубликования объявления в
средствах массовой информации.

Сўз — ЎЗХДП етакчиларига

«Масалани ўргандим, сессияга киритдим

бўлди, вазифамни бажардим», қабилида йўл тутсак, бошлаган ташаббусларимиз чала қолиб кетаверади»

Халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришда сиёсий партиялар, хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иштироки кучайишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилаёпти. Шундай экан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз депутатлик гуруҳлари фаолияти бугунги кун талабига жавоб бераётгани, жойларда ишловларнинг ижтимоий самарасини таъминлаш учун нимага эътибор қаратиш лозим?

ЎЗХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева шу ҳақда мулоҳаза юритади:

— Хар бир депутат зиммасида одамлар ишончини оқлашдек улкан масъулият бор. Бунинг ҳис этиш, шунга яраша ишлаш керак. Маълумки, қонунлар, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурлари ижросини назорат қилишда маҳаллий Кенгашлар депутатлари катта ваколатларга эга. Улар жойларда қонунлар қай даражада ижро этилаётгани, давлат дастурлари доирасида қандай ишлар қилинаётганидан хабардор бўлиши, ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларини яхши билиши керак. Ана шундангина, ваколатидан фойдаланиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилиш бўйича амалий

тақлиф бера олади.

Партия дастурий мақсадлари ижроси...

Мен Ғиждувон туманидаги 51-Зарангари сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланганман. Туманда ишлаб чиқариш, sanoat анча ривожланган. Шу боис янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури доирасида ҳар йили қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Биз дастур ижроси бўйича мунтазам мониторинг олиб бориб, режага киритилган иш ўринларининг ўз вақтида очилиши ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келаёмиз.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида туманда 4700 га яқин иш ўрни яратилди. Аммо ишсиз бўлган, меҳнатга лаёқатли электрорат вакиллари ҳам оз эмас. Шунинг билан биргаликда, олдимизда турган вазифалар кўлами катта экани ойдинлашади. Жорий йилнинг ўтган даврида касаначилик асосида 154 та иш ўрни яратилди. Имкониятдан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, бу жуда кам албатта. Шундай экан, энг аввало, электрорат вакилларининг, айниқса, корхона ва ташкилотга бориб ишлаш имкони бўлмаган, бола тарбияси билан банд аёллар ва ногиронларнинг уй меҳнати ҳақидаги билим ва тушунчасини кенгайтиришга кенгрок эътибор қаратиш лозим. Жойларда

аҳоли билан учрашганимизда, касаначи бўлиб ишлаш қўлай ва афзал экани, унинг қонуний асослари ҳақида кўпчилик етарли тушунчага эга эмаслиги маълум бўлди. Демак, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш олдимизда турган асосий вазифалардан биридир.

Яқинда маҳаллалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти, улар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳажми, сифати ва тури, яратилган иш ўринларини ўрганиш бўйича тегишли чоралар ишлаб чиқилди. Шу асосда меҳнатга лаёқатли, касб-ҳунарли электрорат вакиллари касаначиликка жалб қилмоқчимиз. Уларни корхоналарга бериб чиқариб, қонуний меҳнат асосида ўз ишини йўлга қўйиши, оиласи фаровонлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиши мақсад қилганимиз.

Ҳуқуқ ва ваколатдан самарали фойдаланиш зарур

Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича барча даражадаги депутатлар, юқорида таъкидлаганимдек, етарли ҳуқуқ-

ҳамда ваколатга эга. Гап улардан самарали фойдаланишда.

Жорий йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан 5 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари муҳокамасига, 2 та масала доимий комиссиялар йиғилишлари кун тартибига киритилди. Шу орқали бандлиқни таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, импорт ўринини босувчи тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш, истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли саломатлигини асраш, қишлоқларда замонавий ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қуш-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиб, депутатлик гуруҳларимизнинг тегишли тақлифлари маҳаллий вакиллик ҳокимиятининг қарорларида ўз аксини топди.

Шу ўринда айтмоқчиманки, бирон масаланинг ўрга-

Энг аввало, электрорат вакилларининг, айниқса, корхона ва ташкилотга бориб ишлаш имкони бўлмаган, бола тарбияси билан банд аёллар ва ногиронларнинг уй меҳнати ҳақидаги билим ва тушунчасини кенгайтириш лозим.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қатнашчилар фестивалъ ҳақида

«Шарқ тароналари» фестивалида

нафақат Шарқ, балки дунё тароналари янграйди

Назакет ТЕЙМУРОВА, Озарбойжон халқ артисти, «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивалида ЮНЕСКОнинг «Ўзгал овоз соҳибаси» номинацияси ғолиби:



Соломон ГОГАШВИЛИ, Грузиянинг «Чвенебурби» гурӯҳи солисти, «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивалининг 3-ўрин соҳиб:



— «Шарқ тароналари»дек ажойиб фестивалда нафақат Шарқ мамлакатларининг вакиллари, балки жаҳоннинг турли бурчакларидан келган маданият намояндалари иштирок этмоқда. Самарқандда фақат «Шарқ тароналари» эмас, дунё тарона-

— Ўзбекистонда — «Шарқ тароналари» фестивали ўтказила бошлангандан буён бу нуфузли санъат анжуманида иштирок этиш орузида эдим. Лекин қандайдир сабаблар билан бу ниятим ортга сурилавёрди ва ният 2011 йилда шундай имконият юзга келди. Орзуларим ушалди. Бундан хурсандман.

Ўзбекистон чиндан ҳам жаннатмакон юрт экан. Халқининг самимию муносабати мени лол қилди. Аслида ўзбек ва озар халқлари тили ва дини, адабиёти ва санъати орқали бири-бирига яқин. Бу борада,

Бизнинг гурӯҳимиз бу нуфузли фестивалда илк бор иштирок этганига қарамай, фахрли учинчи ўринни эгаллаганини гуруҳ билан айтаман.

«Шарқ тароналари» бизга жаҳоннинг турли бурчакларидан келган маданият вакиллари билан суҳбатлашиш, фикр алмашиш имконини берди. Уларнинг баъзилари билан иходий алоқалар ўрнатдик. Бу ҳамкорлик ҳамон давом этмоқда. Интернет орқали мунтазам гап-лашчи турибмиз. «Айс-ва» гурӯҳи билан бирга қўшиқ куйладик, ҳамкорликда альбом тайёрлаш режа-

адабий алоқаларимизни алоҳида таъкидлаган бўлардим. Самарқандни кезар эканман, ўзбек уста-меъморларига тан бердим. Айниқса, Регистон майдонининг маҳобати ва чиройи ҳар қандай одамни лол қилиши, ажиб ҳислар оғушига олиб кириши табиий. Шундай майдонда туриб қўшиқ куйлаш ҳар қандай санъаткор учун катта бахт. Бундай бахтни англамоқ учун эса «Шарқ тароналари»да иштирок этиш ва Регистонда қўшиқ айтиш керак.

«Шарқ тароналари» қал-

миз ҳам бор. Демак, «Шарқ тароналари» маданиятлар, миллатлар яқинлашувига, санъатлар, мусиқалар уйғунлашувига, халқлар, давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

«Шарқ тароналари»нинг очилиш маросимида шахсан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қатнашди. Шунинг ўзи ҳам мазкур фестивалга эътибор қай даражада эканлигини кўрсатади. Айтишим керак, у кишининг самимию тилаклари бизга руҳ бағишлаган эди.

Ўзбек мусикаси ўзига хос ритми билан бошқалардан ажралиб туради. Мен фестивалда қатнашган ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишларини диққат билан кузатдим. Мукофотланганлар орасида «Сато» гурӯҳи ва хонанда Илёс Арабов бор эди. Улар ўзларининг чиройли ижролари билан ажралиб туришди. Биз ўзимизни Ўзбеки-

бимда умрбод ўчмайдиган таассурот қолдирди. Унинг хаяжонлари ҳамон мени тарқ этгани йўқ. Саҳнага чиққан пайтим ёдимга тушса, вужудим жимирлаб кетади. Келажакда яна бир бор ушбу нуфузли фестивалда иштирок этишни ва ғолибликни қўлга кириштириш ният қилганман.

Самарқандда ўтган кунларимни ҳеч қачон унутмайман. «Шарқ тароналари» умрбод ёдимда қолади. Ҳаммаси учун ўзбек халқига раҳмат айтаман! Сизлар билан яна дийдор кўришишдан фақат хурсанд бўламан!

тоннинг дўсти, деб ҳисоблаймиз. Бунинг исботи тариқасида «Шарқ тароналари»га борганимиздаги кийимларимизни мисол келтирмоқчиман. Ушанда уларнинг бир томонида Грузия байроғи бўлса, бошқа томонида Ўзбекистон байроғи бор эди. Буни чин юракдан қилганмиз. Ўзбекистонга илгари келмаган бўлсак-да, доимо руҳан ўзимизни юртингизга яқин сезганмиз.

Ўзбекистон ва у ерда ўтган бахтли давларни ҳеч қачон унутмаймиз. «Шарқ тароналари» билан боғлиқ хотираларни эслар эканман, ўзимни худди Самарқандда юргандек ҳис қиламан. Шу йил бўладиган фестивалга ҳам таклифнома олдик. Тўғриси, буни ўзимиз учун шараф, деб биламиз. «Шарқ тароналари»да кўришгунча хайр!

«Ўзбекистон овози» мухбири Темура Абзам тайёрлади.

Болалар футболи

«Насаф» футбол мактаб-интернатида истеъдодли ёшлар тарбияланмоқда



Жаҳон тажрибасидан маълумки, ўз олдига юксак мақсадларни қўйган ҳар қандай профессионал футбол клуби аввало болалар футболга алоҳида аҳамият қаратиши талаб этилади. Аммо бундан ўн беш-йигирма йил муқаддам мамлакатимизда бармоқ билан санарли футбол мактаблари мавжуд эди.

Бугун ҳар бир вилоятда, ҳатто туманларимизда махсус болалар футбол мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Олий лиганинг ҳар бир жамоаси қошида ташкил этилган махсус мактаб-интернатларда минглаб умидли ёшлар миллионлар йўлини сирларини ўрганишяпти. Охириги йилларда қитъа ва жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар тарма жамоалари аъзолари айнан шу каби даргоҳларда илк футбол кўникмаларини олган.

Бир пайтлар ота-она турли вилоят ва шаҳарлардан пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари

спорт коллежи тасарруфидаги мактаб-интернатга ёки «Пахтакор» футбол клуби қошидаги секцияларга фарзандларини етаклаб келишарди. Бугун эса манзара буткул ўзгача. Биргина Қашқадарё вилоятида барча қулайликларга эга кўплаб футбол мактаблари фаолият юритмоқда. Ота-оналар фарзандларини «Насаф», «Машъал» ёки «Шўртан» футбол мактабларига олиб боришяпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги вилоят футбол мактаб-интернатида ҳам маҳоратли футболчилар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. ОФК президенти вазифасини ба-

жарувчи, хитойлик мутахассис Жанг Жилонг Қаршида бўлганида «Насаф» футбол клуби қошидаги болалар футбол мактаб-интернатидаги имкониятларга юксак баҳо берганди.

— Узоғи билан яна тўрт-беш йилдан кейин Ўзбекистон футболчилари жаҳоннинг етакчи жамоаларида тўп сурса ажабланмайман, — деган эди ўшанда Жанг Жилонг жаноблари. — Юртингизда болалар футболлини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини кўп бора эшитгандим. Буни Қаршида кўриб, тасаввурим янада бойиди. Кўпчилик Европанинг номдор «Барселона», «Реал», «Аякс», «Ювентус» футбол мактабларини мактаб гапиринишга одатланиб қолган. Улар қаторига бемалол «Насаф» футбол мактаб-интернати ҳам қўшамаз арзийди.

Бу эътирофда ҳеч бир мулоҳаза йўқ. Мактаб-интернатда ўз ишнинг устаси бўлган фидойи мутахассислар, «Насаф» жамоасининг собиқ футболчилари Нурали Султонов, Динмуҳаммад Қурбонназаров, Шўрат Бўриев, Дмитрий Коняров, Дадажон Тоғаев каби мураббийлар ишламоқда. Уларга украинлик тажрибали мутахассис Сергей Кучеренко раҳбарлик қилмоқда.

— Мактабимиз 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, турли ёш бўйича мавжуд 14 та гуруҳда уч юз нафардан зиёд бола шуғулланмоқда, — дейди футбол мактаб-интернати директори Сергей Кучеренко. — Шунингдек, вилоятимизнинг Нишон, Бешкент, Косон, Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманларидаги филиалларимизда олти юз нафардан зиёд бола ўз олдимишга қўйган мақсадларимизга босқичма-босқич эришаётганлигини кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, мактаб тарбияланувчиларидан Убайдулла Аълохонов, Ғолиб Ғайбуллаев, Одиложон Хамробеков, Даврон Ҳусанов, Сирожиiddин Қўзиёв, Шахзод Оччилов, Дилшод Хушбоқовларнинг турли ёшдаги мамлакат тарма жамоаси мураббийлари назарига тушгани бунинг тасдиғидир.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

2013 йил — Обод турмуш йили

Оилавий спортчилар

Чироқчи тумани Чияли қишлоғида яшовчи Ҳасан Ирзаев оиласини ҳамқиллоқлари «спортчилар оиласи» деб алоҳида ҳурмат қилади. Ҳасан ака ўз даврида самбо, дзюдо бўйича республика миқёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган.

Тўйларда кураш тушиб ном чиқарган полвон бугун ёш спортчиларга мураббийлик қилмоқда. Турмуш ўртоғи Тожиғул Ёшанова ҳам қишлоқдаги 95-мактабда ўқувчиларга жисмоний тарбиядан сабоқ беради. Оиланинг катта ўғли Сунатулла Самарқанд Олимпия заҳиралари спорт коллежини тугатди. Дзюдо бўйича Осиё чемпионатида фахрли 3-ўринни олган. Кизи Гулбаҳор, оиланинг кичкинаси Жасурбек ҳам ота-она изидан бормоқда.

— Қуш усади кўрганни қилади, — дейди Ҳасан Ирзаев. — Фарзандларимизга биз ибрат бўлишимиз керак. Ҳозир спорт билан шуғулланиш учун ҳамма шароит яратилган. Чекка қишлоқларда ҳам спорт майдончалари, жиҳозлари мўжайиб. Фақат ёшларимизни йўналтиришимиз, шу имкониятдан фойдаланишимиз лозим.

Абдурашул ПАРДА

Реклама ва эълонлар

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2013 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарт билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Пайариқ туманидаги 140 ўқувчи ўринли 52-сонли мактабни (қўшимча 140 ўқувчи ўринли ўқув блоқи қурилиши) реконструкция қилиш (қолган иш ҳажмлари)	229 938 458 сўм	275 926 150 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, 1-ўй. **телефон:** (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдориди айлана маблағнинг мав-

жудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қуйил-

ган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқароларга-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: конун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел. 231-13-51, факс: 233-32-00. Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини соати-минутга.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Қўқсарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносидан соат 10-00 да ўтказилади.

таъством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области, расположенному по адресу:

г. Навои, ул. Гвасалия 2А,

тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов — 100 000 сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навои, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления.

Вниманию руководителей организаций и предприятий!

ОАО «КИЗИЛКУМЦЕМЕНТ»

ПОВТОРНО ОБЪЯВЛЯЕТ ОТКРЫТЫЙ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект: «Модернизация отделения помола цемента и установка двух новых цементных мельниц мощностью 1 млн. тонн в год. Склады клинкера № 7 и 8».

Стартовая стоимость заказчика — без НДС 1 743 438 677 сумов, с НДС — 2 092 126 412 сумов.

Срок завершения строительства: 8 месяцев.

Заказчик — ОАО «Кизилкумцемент». Расположенный г. Навои — 3.

Финансирование осуществляется за счет собственных средств.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости пред-

луж), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договоров.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций, при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законода-

тельством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области, расположенному по адресу:

г. Навои, ул. Гвасалия 2А,

тел: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов — 100 000 сумов.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навои, ул. Гвасалия 2А, тел: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILLOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Mushihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Faruh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoochilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746

10622

nuxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 20.40

Topshirilgan vaqti — 22.40

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar KAKIROV

ISSN 2010-7433

1 2 4 5